


Факультет маълумотларни бошқариш

Факультет яратиш

Олий таълим муассасасида ўқув жараёни факультетлар кесимида ташкил этилади. Шу сабабли НЕМИС ахборот тизимида ўқув жараёни ташкил этиш ва бошқариш вазифаларини амалга ошириш учун **Факультет** маълумотларини шакллантириш талаб этилади. ОТМ факультетларини яратишда факультет турига эътибор бериш зарур. Жумладан ОТМ факультетларининг қуйидаги турлари мавжуд:

- Маҳаллий – бу давлат тасарруфидаги ОТМ факультети;
- Қўшма – бу бошқа давлатлар ОТМи билан ҳамкорликда очилган факультет;
- Бўлим – бу факультетга тенглаштирилган бўлим, масалан сиртқи ёки магистратура бўлими.
- Бошқа – факультетга тенглаштирилган бошқа турдаги бўлимлар;

ОТМ факультетларини яратиш **ОТМ strukturasi / Fakultet** менюсини орыали амалга оширилади (1-расм).



1-расм. Факультет маълумотларини шакллантириш

Факультет яратиш ойнасидан:

- **Nomi** майдонида факультет номини киритинг;
- **Kod** майдонида факультет кодини киритинг ;
- **Turi** майдонида факультет турини танланг.

Эслатма! Факультет кодининг бошланғич 3 та сондан иборат коди (999-__) ОТМ коди ҳисобланади ва у вазирлик ахборот тизими томонидан шакллантирилади. Коднинг қолган қисми факультетни яратиш жараёнида киритилади (масалан 999-101).

Факультетга тегишли маълумотлар шакллантирилгандан сўнг **Saqlash** тугмаси босилади ва натижада факультетлар рўйхати яратилган факультет пайдо бўлади (2-расм).

The screenshot shows the HEMIS OTM interface. On the left is a navigation menu with 'OTM strukturasi' expanded to 'Fakultet'. The main area displays a table of faculties with columns for 'Kod', 'Nomi', 'Turi', and 'Faol'. The 'Faol' column contains green toggle switches. On the right, a detail form for 'Kompyuter injiniringi' is shown, including fields for 'Nomi', 'Kod', and 'Turi', along with 'Bekor', 'O'chirish', and 'Saqlash' buttons. Below the form, a summary table shows 'Ma'lumot sarlavhasi', 'Sinxronizatsiya statusi', and 'Sinxronlash sanasi'.

Kod	Nomi	Turi	Faol
999-101	Kompyuter injiniringi	Mahalliy	<input checked="" type="checkbox"/>
999-102	Telekommunikatsiya texnologiyalari	Mahalliy	<input checked="" type="checkbox"/>
999-103	Dasturiy injiniring	Mahalliy	<input checked="" type="checkbox"/>
999-104	Menejment	Mahalliy	<input checked="" type="checkbox"/>
999-105	Test fakultet1	Mahalliy	<input checked="" type="checkbox"/>
999-106	Axborot xavfsizligi	Mahalliy	<input checked="" type="checkbox"/>
999-107	Robotexnika	Mahalliy	<input checked="" type="checkbox"/>
999-108	Magistratura bo'limi	Bo'lim	<input checked="" type="checkbox"/>
999-111	UZbekcha	Mahalliy	<input checked="" type="checkbox"/>
999-120	MagistraturaMohir	Mahalliy	<input checked="" type="checkbox"/>

Nomi	Kompyuter injiniringi
Kod	999-101
Turi	Mahalliy
Ma'lumot sarlavhasi	Kompyuter injiniringi
Sinxronizatsiya statusi	Aktual
Sinxronlash sanasi	06.07.2021 12:20:29

2-расм. Факультетлар рўйхати

Юқорида келтирилган кетма-кетлик асосида ОТМнинг тегишли барча факультатлар яратиб чиқилади. ОТМ факультетлари жорий вақтда ўз фаолиятини олиб бораётган бўлса тизимда факультетнинг **FAOL** деб номланган калит қисми **актив** ҳолатда бўлади.

Агар факультет бутунлай ёпилиб еки факултетлар ўзаро бирлашган вақтда ушбу **FAOL** тугма **пассив** ҳолатга келтирилади. Пассив ҳолат тизим фйдаланувчилари учун ноқулайликлар келтириб чиқаришни олдини олади.

Факультетни тахрирлаш

Факультетни тахрирлаш учун факультетлар рўйхатидан тегишли факультет номига сичқонча билан босилади ва натижада факультетнинг маълумотлари тахрирлаш майдонларига юкланади (2-расм).

Факультетни тахрирлаш ойнасидан бирор бир тахрирлаш амалини бажаринг ва **Saqlash** тугмаси танлаш орқали факультет маълумотларини сақланг.

Факультетни ўчириш

Ярилган факультет маълумотларини ўчириш учун факультетлар рўйхатидан тегишли факультет номига сичқонча билан босилади ва тахрирлаш ойнасидан **O'chirish** тугмаси босилади (2-расм).

Эслатма. Агар тизимда факультетга боғланган маълумотлар шаклланган бўлса у холда тизим факультетни ўчиришга рухсат бермайди. Бундай ҳолларда факультетни ўчириш учун дастлаб унга боғланган маълумотларни ўчириш зарур.